

2/2023,
Mart-aprel
(№ 00064)



МИЛЛИЙ САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ТИЗИМИ

Абдужалилова Гузал Сайдиллаевна

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети таянч докторанти (PhD), Тошкент, Ўзбекистон. g.saydalieva@nuu.uz

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i29.1

Аннотация

Ушбу мақолада миллий иқтисодиётда саноат ишлаб чиқариш жараёнларининг иқтисодий-статистик кўрсаткичлари тизими, *МҲТ асосий ҳисоблари, баланс моддалари ва агрегатлари, тезкор бизнес статистиканинг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг тавсифи, саноат ишлаб чиқаришининг статистик кўрсаткичлар тизими ва уларнинг таҳлили* ёритиб берилган. Тадқиқот мобайнида, статистик таҳлилнинг қиёсий таҳлил, корреляцион-регрессион ҳамда трендли таҳлил усулларида кенг фойдаланилган.

Калит сўзлар: Миллий саноат, ишлаб чиқариш, иқтисодий-статистик кўрсаткичлар, саноат тармоғи, *тезкор бизнес*, миллий иқтисодиёт, миллий ҳисоблар тизими.

СИСТЕМА ЭКОНОМИЧЕСКО-СТАТИСТИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ НАЦИОНАЛЬНЫХ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ПРОЦЕССОВ

Абдужалилова Гузал Сайдиллаевна

Аспирант (PhD) Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека. Ташкент, Узбекистан.

Аннотация

В данной статье рассмотрены система экономико-статистических показателей национальных процессов промышленного производства, основные счета СНС, основные показатели оперативной статистики предприятий и их описание, система статистических показателей промышленного производства.

Ключевые слова: Национальная промышленность, производство, экономико-статистические показатели, производственная сеть, оперативная бизнес-статистика, национальная экономика, система национальных счетов.

SYSTEM OF ECONOMIC-STATISTICAL INDICATORS OF NATIONAL INDUSTRIAL PRODUCTION PROCESSES

Abdujalilova Guzal Saidillaevna

PhD student (PhD) of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek. Tashkent, Uzbekistan.

Abstract

The system of economic and statistical indicators of national processes of industrial production, the main accounts of the SNA, the main indicators of operational statistics of enterprises and their description, the system of statistical indicators of industrial production are explained in this article.

Key words: National industry, production, economic and statistical indicators, production network, operational business statistics business, national economy, system of national accounts.

Кириш

Ҳар қандай статистик таҳлилни ўтказишнинг зарурий шarti бу сифатли кўрсаткичлар тизимининг мавжудлиги ҳисобланади. Статистик кўрсаткичлар тизими – муайян статистик вазифани ҳал қилишга қаратилган мазмуний боғланиш ва қатъий тартибли тузилмага эга бўлган ўзаро боғлиқ ва ўзаро мувофиқлаштирилган статистик кўрсаткичлар йиғиндисидир[1].

Саноат маҳсулоти сифати ва рақобатбардошлигини статистик баҳолаш, прогнозлаш учун сифатли кўрсаткичларни танлаб олиш зарур. Оптимал танлов мураккаб вазифа ҳисобланади, чунки параметрлар нафақат маҳсулотнинг техник хусусиятларини акс эттириши, балки ижтимоий эҳтиёжларни қондириши, истеъмолчилар дидига ва модага жавоб бериши ҳам лозим.

Саноат маҳсулоти сифатини тавсифлайдиган параметрларни оқилона танлаш муаммоси энг муҳим техник-иқтисодий вазифалардан бири саналади. Параметрларни нотўғри танлаш саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишда ноишлаб чиқариш харажатларининг катта бўлишига олиб келади.

Бизнинг фикримизча, статистик таҳлилда статистик кўрсаткичлар тизими бир қатор тамойил ва мезонларга жавоб бериши керак, бу эса у томонидан тавсифланган иқтисодий жараённи статистик таҳлил қилиш ва унинг барча жиҳатларини тўла қонли тавсифлаш имконини беради. Шунингдек, танланган статистик кўрсаткичлар ўрганилаётган жараённинг барча предметларини тасвирлашни билдиради.

Иқтисодий жараённи турли ўлчамларда ёки унинг турли жиҳатларида тавсифловчи тизим кўрсаткичлари бир хил услубий асосга эга бўлиши ёки услубий жиҳатдан мувофиқлаштирилган бўлиши керак [2]. Мувофиқлаштирилганлик тадқиқ этилаётган кўрсаткичлардан нафақат бевосита изоҳлаш учун, балки комбинацияларда ҳам фойдаланиш, шунингдек, таҳлилий мақсадлар учун катта аҳамиятга эга бўлган турли ҳосила коэффицентларни тузиш имконини беради. Таъриф ва таснифларни уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш, улар асосида турли статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш амалга оширилади, мувофиқлаштирилганликка эришиш имконини беради. Амалда бу умумэтироф этилган тамойиллар ва услубиётларга асосланган мавжуд тизимлар доирасида шаклланган кўрсаткичлардан жаҳон ҳамжамиятида фойдаланилади.

Бунда замонавий иқтисодиётнинг глобаллашуви ва Ўзбекистон саноатининг ташқи бозорлардаги талабга алоҳида боғлиқлигини таъкидлаш жоизки, бу мамлакат иқтисодиётининг реал сектори тенденцияларини глобал ёки камида Европа миқёсидаги суръатларга ва иқтисодий ривожланиш йўналишларига нисбатан таҳлил қилишни тақозо этади. Шу билан бирга, тегишли тармоқларнинг илғор ўсиш суръатлари ёки пасайиш суръатлари давлатнинг саноат сиёсати натижаси сифатида ҳисобга олиниши мумкин. Бу эса Ўзбекистон иқтисодиётининг реал секторини ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш самарадорлигига реал баҳо бериш имконини беради. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатлар учун тизимнинг аксарият асосий кўрсаткичлари қийматини тиклаш ва уларнинг очиклиги талаби юзага келади.

Бир сўз билан айтганда, саноат статистикаси кўрсаткичлари тизимида қуйидаги асосий талабларни ажратиш мумкин:

1. Кўрсаткичлар қийматининг очиклиги.
2. Тўлиқлик ва мазмунан бутунлиги.
3. Методологик мувофиқлаштирилганлик.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Саноатни ривожлантиришнинг долзарблиги ва иқтисодий таъминлаштиришда тутган ўрнининг ниҳоят даражада кенглиги билан доимий равишда тадқиқотчи олимларнинг диққат марказида бўлган. Хусусан, мавзу юзасидан хорижлик Р. Лукас [11], М. Хироока [12], Ж. Медсэн [13], Ф. Хайек [14] илмий изланишлар олиб борган бўлсалар, маҳаллий олимлардан Б.К. Ғойибназаров [3], Ҳамидова, А.А. Ядгаров [15] ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришга муваффақ бўлишган.

Тадқиқот методологияси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонининг 22 мақсадида миллий иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш”вазифаси белгилаб берилган. Чунки, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва диверсификациялаш иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ҳамда мустаҳкамлашнинг муҳим шарт ҳисобланади. Шунга мувофиқ, изчиллик билан амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар туфайли миллий саноат салоҳияти тобора юксалиб бормоқда.

Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, қиёсий ва динамик таҳлил, монографик таҳлил, статистик гуруҳлаш, иқтисодий индекслар, вақтли қаторлар, вариация кўрсаткичлари, статистик жадвал ва графиклар, анкета, эксперт баҳолаш, эконометрик таҳлил ва прогнозлаш каби усуллар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунга келиб, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва дастурларни миқдор ва сифат жиҳатидан тавсифлаш ва баҳолаш имконини берадиган кўп сонли турли иқтисодий-статистик кўрсаткичлар тизимлари ишлаб чиқилган. Уларнинг орасида Миллий ҳисоблар тизими, шунингдек, тезкор бизнес-статистика асосий ўринни эгаллайди [3].

Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ) бу – илмий тадқиқотлар, таҳлил ва сиёсатни ишлаб чиқиш учун фойдаланиладиган кенг қамровли, тизимлаштирилган ва мослашувчан макроиқтисодий ҳисоблар комплексини ўз ичига оладиган статистик базадир [4]. Дарҳақиқат, бугунги кунда миллий ҳисоблар тизимининг жамият иқтисодий ҳаётини ўрганишдаги аҳамиятига ортиқча баҳо бериш қийин. Бунда МҲТ нафақат иқтисодий натижаларига баҳо беришга, балки макроиқтисодий кўрсаткичлар қийматларини прогноз қилиш, давлат бошқаруви органлари қабул қилган қарорлар уларнинг динамикасига таъсир этиш даражасини аниқлаш имконини ҳам беради [5].

МҲТ асосий вазифаси деб миллий иқтисодий ҳолатининг (ишлаб чиқариш ва истеъмол, инвестициялар манбалари, даромадлар шаклланиши ва тақсимланиш жараёнлари) кенг қамровли кўринишини соддалаштирилган шаклда тақдим этиш ҳисобланади [6].

МҲТ энг муҳим макроиқтисодий кўрсаткичлар – ишлаб чиқариш ҳажми, иқтисодийнинг турли секторлари ва институционал бирликларнинг умумий даромадлари ва харажатларини бир-бири билан боғлайди; барча асосий босқичлар – ишлаб чиқариш, тақсимот ва фойдаланишда ялпи ички маҳсулотни ифодалайди. МҲТ бу – тадқиқот усуллари, таснифлар, таърифлар ва концепциялар умумэтироф этилган тизимини ифодаладиган, халқаро даражада мувофиқлаштирилган макроиқтисодий таҳлил методологияси кўринишидаги умумий асосга ва мустаҳкам ўзаро алоқаларга эга бўлган мувозанатланган кўрсаткичлар тизимидир [7].

Янги стандартлар ишлаб чиқиш устида Евростат, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ), Жаҳон банки, Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) статистика бўлими ва Халқаро Валюта жамғармаси (ХВЖ) каби ташкилотлар доимий иш олиб борадилар. Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида МҲТ–2008 стандарти қўлланилмоқда ёки жорий қилинмоқда. Бунда янги стандартлар изчиллигини таъкидлаш жоиз, айтиш мумкинки, ҳар бир янги стандарт варианты олдингисининг давоми ҳисобланади ва шу сабабли таққослаш мумкин бўлган ахборотларни шакллантиришни таъминлайди.

МҲТ институционал сектор ҳисобларини, консолидация қилинган ва тармоқ ҳисобларини ўз ичига олиб, улар жорий ва таққосланадиган нархларда ЯИМ динамикаси, тузилмаси ва тақсимоти ҳақида маълумотлар, шунингдек, нархлар, ялпи қўшилган қиймат, ишлаб чиқариш ҳажми тузилмаси ва динамикаси кўрсаткичлари ва ҳ.к.ни тақдим этади. МҲТ–2008 нинг асосий ҳисоблари, баланс моддалари ва агрегатлари 1-жадвалда акс эттирилган.

1-жадвал

МҲТ асосий ҳисоблари, баланс моддалари ва агрегатлари

№	Ҳисоб	Модда	Агрегат
1.	Жорий ҳисоблар		
1.1.	Ишлаб чиқариш ҳисоби	Қўшилган қиймат	ЯИМ, СИМ (соф ички маҳслот)
1.2.	Даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш ҳисоблари	Бирламчи даромадлар сальдоси, тасарруфдаги даромад	Ялпи миллий даромад (ЯМД), Соф миллий даромад (СМД), Мулк ва тадбиркорликдан олинган даромад
1.3.	Даромаддан фойдаланиш ҳисоблари	Жамғарма	Миллий жамғарма (МЖ)
2	Жамғариш ҳисоблари		
2.1	Сармоя билан операциялар ҳисоби	Соф кредитлаш / соф қарз олиш	
2.2	Молиявий ҳисоблар		
2.3	Қайта баҳолаш ва активлар ҳажмида бошқа ўзгаришлар ҳисоблари	Активлар ҳажмидаги бошқа ўзгаришлар оқибатида соф капитал қиймати ўзгариши	
3	Активлар ва пасивлар баланслари	Соф капитал қиймати / Соф капитал қиймати ўзгариши	Миллий бойлик

Умуман олганда, нашрга тавсия этилган ва МҲТ доирасида ҳисобланган кўрсаткичларнинг муайян тўлиқ рўйхати кенг маълум ва батафсил тавсифга муҳтож эмас. Фақат шуни таъкидлаш жоизки, саноат ишлаб чиқаришини таҳлил қилиш доирасида биринчи навбатда, ишлаб чиқариш ҳисоблари ва даромадларни тақсимлаш ва қайта ҳисоблаш ҳисоблари қизиқиш уйғотади. Ҳозирги кунда кўпчилик мамлакатларда бу миллий ҳисоблар доирасида ҳеч бўлмаганда ишлаб чиқариш, оралиқ истеъмол ва ялпи қўшилган қиймат (тармоқлар ва соҳалар бўйича) ва асосий воситаларга инвестициялар кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқарилади ва эълон қилинади. Буларнинг барчаси МҲТ ёрдамида бозор иқтисодиёти амал қиладиган мамлакатлар ўртасида таққослаш мумкин бўлган макроиқтисодий маълумотлар олишга имкон беради [8] .

“Бизнес-статистика” тушунчаси Европада бундан 40 йил олдин, 1972 йил 30 май куни 72/211/ЕЕС-сонли “Саноат тармоқлари статистикаси соҳасидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш тўғрисида”ги илк директиваси қабул қилиниши билан пайдо бўлган. Олти йилдан кейин, 1978 йил 13 февралда 78/166/ЕЕС-сонли “Фуқаролик


қурилиши соҳасидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш тўғрисида”ги директива пайдо бўлди.

Келгусида, Европа мамлакатларининг иқтисодий ва сиёсий соҳаларида интеграция жараёнларининг кучайиши билан, иқтисодиётнинг ривожланиши ҳақида стандартлаштирилган ва таққосланадиган маълумотлар зарурлиги фақат ўсиб борди, бу эса ЕИ мамлакатларида бизнес-жараёнларга алоқадор статистика маълумотларини тўплаш, қайта ишлаш ва нашр этиш борасида бир қатор қоидаларни изчилликда яратишга олиб келди.

Натижада, бу 1997 йилги Европа Иттифоқи статистика қонунида (Legal framework for European statistics: The Statistical Law) тезкор бизнес-статистика (ТБС) ҳуқуқий асосларини мустақамлашга ва кейинчалик тезкор бизнес-статистика ҳақида директива яратишга олиб келди (Council Regulation 1165/1998). Директиванинг асосий мақсади барча манфаатдор фойдаланувчиларга асосий бизнес тенденцияларини таҳлил қилиш учун зарур бўлган кўрсаткичларнинг тўлиқ тўпламини тақдим эта оладиган тезкор бизнес-статистикасини ривожлантиришнинг умумий қоидаларини яратишдан иборатдир.

Ушбу қоида NACE (National Association of Corrosion Engineers) таснифининг С-Е, F-О кодларига мос келадиган барча бозор фаолият турлари учун амал қилади. ТБС қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги каби ўта махсус тармоқларни, шунингдек, асосан нобозор хизматлари кўрсатишга йўналтирилган фаолият турларини қамраб олмайди. Шу сабабли иқтисодиёт секторларининг ҳар бири (саноат, қурилиш, чакана савдо, хизматлар) бўйича иловаларда нашр учун тавсия этиладиган кўрсаткичлар, уларни ўлчаш, деталлаштириш даражаси, нашр санаси ва даври ва ҳ.к. санаб ўтилади. Ҳозирги пайтда ТБС доирасида 2-жадвалда акс эттирилган кўрсаткичларни нашр этиш тавсия қилинади.

Юқоридаги кўрсаткичларни Ўзбекистондаги ҳолатига статистик баҳо бериш мақсадида уларни йиллар давомида ўзгаришларини таҳлил қиламиз (1-расм).




1-расм. Ўзбекистоннинг ЯИМининг йиллар давомида ўзгариши, доимий нарҳларда, млрд. сўмда

1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010-2022 йиллар мобайнида мамлакатимизда яратилган ЯИМ ҳажми (доимий нарҳларда) барқарор ўсиб келган.

2018 йилдан бошлаб (336 143,2 млрд. сўм) ўсиш суръатлари жадаллаша бошлаган йил охиригача барқарор ўсган(2022 йилдаги 780285,2 млрд. сўмгача ўсган).

Якуний истеъмол харажатлари ва унинг таркибида уй хўжаликларининг ўсиш тенденцияси ҳам йиллар давомида барқарор ўсиб келган (мос равишда 49 635,5 млрд. сўмдан 615 839,8 млрд. сўмгача ва 40958,7 млрд. сўмдан 487 197,2 млрд. сўмгача)(2-расм).



2-расм. Якуний истеъмол харажатлари ва уй хўжаликларининг йиллар давомида ўзгариши, доимий нарҳларда, млрд. сўмда

2-расмдан кўриниб турибдики, бу кўрсаткич ҳам юқоридаги ЯИМ ҳажми каби барқарор ўсиб келган.

Миллий ҳисоблар тизими каби, тезкор бизнес-статистика ҳам мунтазам такомиллаштирилади, унинг айрим қоидалари қайта кўриб чиқилади, натижада қоидаларга изоҳлар ва янги ишлаб чиқилган методологиялар мунтазам чоп этиб борилади. Ҳозирги пайтда Европа Иттифоқи мамлакатларида ТБС ишлаб чиқиш бўйича асосий ҳужжат тезкор бизнес-статистика методологияси – шарҳ ва услубий кўрсатмалар ҳисобланади [9].

Ўзбекистонда тезкор бизнес-статистика кўрсаткичларини ҳисоблаш учун алоҳида услубият ҳам, шунингдек, уни тартибга солувчи алоҳида қонун ҳужжатлари ва қоидалар ҳам мавжуд эмас. Лекин бунда Ўзбекистонда тезкор бизнес-статистика умуман йўқ деб ҳам бўлмайди. Евростат методологиялари ва Давлат статистика қўмитаси томонидан чоп этилган кўрсаткичларни ҳисоблаш услубиятларининг батафсил қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, ТБС асосий кўрсаткичларининг аксарияти Ўзбекистонда ҳам ҳисобланади (2-жадвал).

2-жадвал

Тезкор бизнес статистиканинг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг тавсифи

№	ТБС кўрсаткич номи	Давлат статистика қўмитаси чоп этадиган кўрсаткичлар номи	ТБС мезонларига мувофиқлик
1	Ишлаб чиқариш индекси	Ишлаб чиқариш индекси	Тўлиқ
2	Товар айланмаси	Ўз ишлаб чиқаришининг жўнатилган товарлар ҳажми	Тўлиқ
3	Олинган янги буюртмалар	Буюртмалар портфели	Етарли даражада (муқобил)
4	Четдан янги буюртмалар	Экспорт буюртмалар портфели	Етарли даражада

			(муқобил)
5	Бандлар сони	Эгалланган иш ўринлари сони	Етарли даражада
6	Ишлаган соатлар сони	Ўртача ишлаган соатлар (ўртача иш куни давомийлиги)	Етарли даражада
7	Иш ҳақи	Ўртача ҳисобланган иш ҳақи	Етарли даражада
8	Ички бозорда ишлаб чиқарувчилар нархлари	Ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси	Тўлиқ

Муаммо шундаки, бу статистика, қоидага кўра, мақсадли йўналтирилган ҳолда (ишбилармонлик муҳотида фойдаланувчилар асосида) ўтказилмайди, балки кўпинча миллий ҳисобларни тузиш учун тайёргарлик материали сифатида кўриб чиқилади. Бу бир қатор муаммоларга, масалан, айрим кўрсаткичларнинг етишмаслигига олиб келади. Аммо, статистик таҳлил ва бошқа мамлакатлар кўрсаткичлари билан таққослаш учун ушбу кўрсаткичлардан фойдаланишни имконсиз қилиб қўймайди.

Саноат ишлаб чиқариши ривожланишини таҳлил қилишда статистик кўрсаткичларнинг самарали тизимини тузиш учун маълумотларни танлаш МҲТ ва ТБС кўрсаткичларининг мазмунли ва методологик таҳлили асосида а амалга оширилди. Бу эса олинган тизим саноат ишлаб чиқаришининг барча жиҳатларини акс эттиришнинг тўлиқлигини эмас, балки методологик даражада кўрсаткичларнинг таққосламалигини, мувофиқлаштирилганлигини таъминлайди (3-жадвал).

3-жадвал

Саноат ишлаб чиқаришининг статистик кўрсаткичлар тизими

№	Кўрсаткич	Шакл	Киритишдан мақсад
1	Ялпи ишлаб чиқариш	Миллий валюта, асосий нархлар, мутлоқ ва нисбий миқдорлар	Саноат таркиби, ишлаб чиқариш ва истеъмол таҳлили
2	Оралиқ истеъмол		
3	Қўшилган қиймат		
4	Товар айланмаси	Занжирсимон иқтисодий индекслар	Ички ва ташқи истеъмолчилар томонидан саноат маҳсулотларига бўлган талаб таҳлили
5	Нархлар индекси		
6	Товарлар экспорти, импорти	АҚШ долл., мутлоқ ва нисбий миқдорлар	Ишлаб чиқариш жисмоний ҳажми динамикаси таҳлили Саноатда ва унинг алоҳида соҳаларида ўрта муддатли тенденцияларни таҳлил қилиш
7	Саноат ишлаб чиқариши индекси	Занжирсимон иқтисодий индекслар	
8	Бандлар сони		
9	Ўртача иш ҳақи		
10	Ўртача ишланган соат сони		
11	Асосий капиталга инвестициялар	Миллий валюта(сўм), мутлоқ ва нисбий миқдорлар	
12	Иқтисодий ривожланиш асосий кўрсаткичлари	Таққослама нархлар	
13	Бошқа макроиқтисодий-статистик кўрсаткичлар	Иқтисодий индекслар, мутлоқ ва нисбий миқдорлар	

Шундай қилиб, саноат ишлаб чиқариши ривожланишини таҳлил қилиш учун статистик кўрсаткичлар тизимида қуйидаги кўрсаткичлар гуруҳини ажратиб кўрсатишни тавсия этамиз:

биринчи гуруҳ: саноат ишлаб чиқариши тузилмаси статистик кўрсаткичларидан иборат бўлиб, уларга маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш (ЯИЧ), оралиқ истеъмол (ОИ) ва ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) киради.

иккинчи гуруҳ: саноат ишлаб чиқариши маҳсулотларига бўлган талабни тавсифловчи статистик кўрсаткичлар киради. Аввало, уларга тезкор бизнес-статистика кўрсаткичлари, хусусан, товар айланмаси индекси (J_{qr}) ва ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси (J_p) киради. Ушбу гуруҳнинг яна бир блоки ташқи савдо кўрсаткичлари, хусусан, божхона статистикаси маълумотлари бўйича товарлар экспорти ва импорти ҳамда умумий ташқи савдо айланмаси ҳисобланади.

учинчи гуруҳ: тармоқнинг ривожланиш истиқболларини тавсифловчи статистик кўрсаткичлар киради. Бу гуруҳга ўсиш суръати кўрсаткичлари: ишлаб чиқаришда банд бўлганлар сони (T), бир ходимнинг ишлаган соатлари ўртача сони (t) ва ўртача иш ҳақи (z) киради.

тўртинчи гуруҳ: тезкор бизнес-статистиканинг бир кўрсаткичи – саноат ишлаб чиқаришининг жисмоний ҳажми (J_q) динамикасини тавсифлайдиган саноат ишлаб чиқариши индексидан (J_{qr}) иборат.

бешинчи гуруҳ: Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришининг қисқа ва ўрта муддатли тенденцияларини таҳлил қилиш учун мўлжалланган. Унда юқоридаги барча кўрсаткичлар плюс конъюнктура ва макроиқтисодий статистиканинг асосий кўрсаткичлари: инфляция, чораклик ЯИМ (Q), миллий валюта курси ва бошқалар киради.

Олинган тизим кўплаб мамлакатларда кузатиладиган бир нечта жараёнлар учун кенг доирадаги кўрсаткичларни қамраб олади (алоҳида саноат тармоқлари таҳлилинини ҳисобга олган ҳолда), шу сабабли етарли даражада катта бўлиб, маълумотлар тўплами кўринишида сақлашни тақозо этади. Статистик кўрсаткичлар тизимини маълумотлар билан тўлдиришда БМТ, ИХТТ, Евростат маълумотлар тўпламлари, шунингдек, миллий статистика идораларининг ахборот манбаларидан фойдаланилади. Шу билан бирга, алоҳида кўрсаткичларнинг қийматлари (айрим кузатишларда) ва тақдим этилган зарур шакллар (ҳисобот)нинг йўқлигини қайд этиш лозим. Бу муаммони ҳал қилиш учун имкон қадар қолдириб кетилган маълумотларни тўлдириш ва кўрсаткичларни, шу жумладан индексли кўрсаткичларни шакллантириш учун умумэтироф этилган статистик усуллардан фойдаланилади [10].

Хулоса ва таклифлар

Умуман, миллий саноат ишлаб чиқариши статистик кўрсаткичлари тизими тўлиқ ҳамда мамлакат саноатини сифатли ва ҳар томонлама таҳлил қилиш учун ҳам хизмат қилади ҳамда Ўзбекистон саноати уларга сезиларли даражада боғлиқ бўлган асосий савдо ҳамкорлари бўлган мамлакатлар саноатини кенг статистик таҳлил қилиш учун ҳам етарли ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий тараққиётнинг бугунги босқичида миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, жамиятни ижтимоий-иқтисодий тараққиётида саноат ишлаб чиқариши тармоқлари муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Глобал ўзгаришлар натижасида жаҳонда ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг сервислашув тенденциялари кузатилаётган бўлса-да, сервислашувнинг асосий негизи саноат тармоқлари томонидан ишлаб чиқариладиган истеъмол товарларини етказиб бериш ва ушбу товарлар истеъмоли билан боғлиқ хизматларга таянади, яъни саноат

тармоқларининг жадал ва кенг қамровда ривожланиши билан жамиятнинг истеъмол товарлари ва зарурий хизматларга бўлган талабини тўлароқ қондириш имконияти кенгайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Основы международной статистики: учебник / под ред. Ю.Н. Иванова. М.: Инфра-М, 2013. 621 с.
2. Статистика: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям / под ред. В.М. Гусарова, Е.И. Кузнецовой. 2-е изд., перераб. и доп. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. 479 с.
3. Ғойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизими-макроиқтисодий таҳлил асоси. Монография. –Тошкент.: “ФАН”, 125 бет
4. Система национальных счетов 2008. Нью-Йорк: ООН, 2009.
5. Основы национального счетоводства (международный стандарт СНС 2008 г.): учебник / под ред. Ю.Н. Иванова. 2-е изд., перераб. и доп. М.: Инфра-М, 2013. - 399 с.
6. Ғойибназаров Б.К. Миллий ҳисоблар тизими. Ўқув қўлланма. –Тошкент.: “Адабиёт жамғармаси”, 106 бет
7. Система национальных счетов 2008. Нью-Йорк: ООН, 2009
8. Салин В.Н., Попова А.А., Шпаковская Е.П. Место статистики в глобализации // Век глобализации. 2013. № 2. С. 131–142
9. Methodology of short-term business statistics — Interpretation and guidelines, Eurostat, 2006.
10. Симонова М.Д. Информационная база структурного анализа ОЭСР: отраслевые принципы в исследовании рынков товаров и услуг // Вестник МГИМО-Университета. 2015. № 3. С. 190–198;
11. Lucas R. On the Mechanism of Economic Development // Journal of Monetary Economics. Vol. 22. July. P. 3-42. 1988
12. Hirooka M. Innovation Dynamism and Economic Growth. A Nonlinear Perspective. - Cheltenham, UK - Northampton. MA, USA «Edward Elgar», 2006
13. Madsen J.B. «Semi-Endogenous versus Schumpeterian Growth Models: Testing the Knowledge Production Function using International Data». Journal of Economic Growth, forthcoming, 2008
14. Хайек Ф. Цены и производство. Челябинск: Социум, 2008
15. Хамидова Ф. А., Ядгаров А. А. Худудлар иқтисодиётини комплекс ва мутаносиб ривожлантиришнинг устувор йўналишлари. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. №3, июнь, 2017 йил